

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21 ИЙЛ ЧИКИШИ,
№ 186 (5279).

21 сентябрь, 1974 йил

ШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ТЕРИМ АВЖ ОЛМОҚДА

Оққўрғон районидagi «Ле-нинбод» колхози ҳар томонла- ма юксалган, йирик, кўп тар- моқли хўжаликлардан бири. Колхоз меҳнаткашлари туққи- зичи беш йилликнинг ҳал қи- лувчи тўртинчи йилида мавжуд 1430 гектар ернинг ҳар гекта- ридан 40 центнердан «оқ ол- тин» йиғиб-териб олиш учун қизғин меҳнат қилишяпти.

Ўзбекистон ССР ҳамда Ўз- бекистон Компартиясининг но- вий дрім асрлик юбилейини меҳнатда муносиб тўхталар би- лан кутиб олиш учун ҳаракат қилаётган колхоз аъзолари ай- ни шу долзарб кунларда дав- лат омибларига планининг 2— 2,5 проценти миқдориди пахта етказиб беришмоқда.

Колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Пў- лат Тошхўжаев, Ленин ордени кавалерлари Х. Мусоқулов, Б.



Назозова, Т. Ҳазатов ўртоқлар бошлқ бригадаларда кунлик суръат 4,5—5 проценти та- шкил этмоқда.

Она-Ватан хазинасига етказиб бериладиган 5800 тонна ҳосилининг 90 процентини ма- шиналарда териб олишга қар- рор қилган меҳанизаторлар ҳам шу кунларда машина теримини авж олдириб юборишди.

Мавсумда 150—180 тонна- дан пахта теришга сўз берган К. Мамедов, О. Саидхмедов, Ф. Эгамбердиев, Я. Чинбоев ваби «пўлат от» суворийлари ҳар кун ўз машиналари бун- керидан 4—5 тоннага етказиб «оқ олтин» тўқмоқдалар. Тез кунларда бу кўрсаткич 8—9 тоннага етди. Колхоз бўйича кунлик ўсиш 5—6 проценти ташкил этади.

И. ХОТАМОВ.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ
ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА



ЮБИЛЕЙ ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЙЛ 20 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мав- сум бошидан бери, учинчи стун — машина терими, бир кунлик ўсиш, тўртинчи стун — мавсум бошидан бери

Янгийўл	2,16	12,36	—	0,09
Бўка	3,10	10,17	3,25	6,22
Пискент	2,62	10,16	2,52	6,23
Чиноз	1,85	9,77	0,74	1,73
Бекобод	1,87	9,20	1,43	2,01
Юқорги Чирчиқ	1,16	5,29	1,22	3,27
Ўрта Чирчиқ	1,20	4,79	0,98	2,12
Оққўрғон	1,07	3,76	0,53	0,62
Қуйи Чирчиқ	0,31	0,84	0,10	0,10
Область бўйича	1,72	7,22	1,32	2,65

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАҚКАЖҲОРИ ДОНИ
ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ШУ ИЙЛ 20 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — топириш ҳисобида, иккинчи стун — бир кунда топирилган тонна, учинчи стун — топириш- га нисбатан процент ҳисобида).

ЎРТА ЧИРЧИҚ	1250	—	102,8
ОРЖОНКИДЗЕ	580	22	102,5
КАЛИНИН	800	30	100,4
ВЗСТОНЛИҚ	730	—	100,4
ПИСКЕНТ	900	40	100,1
ЧИНОЗ	1000	9	100,1
Оқангарон	1270	—	99,0
Оққўрғон	1700	80	98,6
Қуйи Чирчиқ	1640	53	97,0
Юқорги Чирчиқ	1500	33	96,5
Бўка	1220	6	95,8
Бекобод	1350	15	92,6
Янгийўл	1060	29	92,5
Область бўйича	15000	317	97,9

КУНЛИК СЎРЪАТ БЕШ-ОЛТИ ПРОЦЕНТ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ («Тош- кент ҳақиқати» муҳбиридан).

Мапшвал «Политотдел» кол- хози деҳқонлари бу йил астой- дил меҳнат қилдилар. Улар юбилей йилида пахтадан улкан хирмон уюб, гектар бошига олинандиган ҳосилдорлиқни бир неча центнерга ошириш нияти билан ишламоқдалар.

Хўжаликда йиғим-терим мав- сумига алоҳида ҳозирлик қи- рилди. Терим машиналари, при- цеплар, техника тез ёрдам ма- шиналари, дала шийпонлари барвақт ҳозирлаб қўйилди. Бир неча кунлири, колхознинг қўй- гина бригадаларида, машина терими уюшқонлиқ билан бош- лаб юборилди.

Эм Дон Гун узоқ йиллардан бери колхознинг илгोर бригада- сига бошчилик қилади. Брига- дада пахта ҳосилдорлиги йил сайин кўтарилиб бормоқда. Ўт-

ган хўжалик йилида заршу- нослар 35 центнердан «оқ ол- тин» ҳосили кўтарган бўлса- лар, бу йилги марра — 45 центнер.

Бригадада механизация асо- сий куч ҳисобланади. Ўза қар- тор ораларига ишлов беришдан тортиб йиғиб-териб олишгунча бўлган даврдаги ишлар механиз- ация зиммасига юклатилган. Пахтачиликни комплекс меха- низациялаш ҳосилдорлиқни оширишда, қилинадиган сарф- харажати камайтиришда катта самара бермоқда. Пахта етиш- тириш танлархи пландагидан анча арзонлашмоқда.

— Бу йил ҳосилининг 95 про- центини «зангори кема»ларда териб олишга аҳд қилганмиз, — дейди бригада бошлиғи. — Йиғим-теримни қисқа мўддатда ўтказиб, давлатга фақат аъло

сифатли пахта топириш ния- тидамиз.

Пахтакорлар машина тери- мини маҳсулоти ўтказиш тад- бирини белгилаб чиқдилар. Асосий майдонлардаги пахта қўл кучи ишлатилмай йиғиб- териб олинади. Машиналар ке- тидан тўқилган пахтани тера- дитан машиналар қўйилади, «зангори кема»ларнинг икки сменада ишлаш таъминлана- ди. Меҳанизаторлар учун дала шийфонда зарур шарт-шароит яратилади. Ҳар бир машина- нинг иш умумдорлигини оши- риш, пахтанинг сифатини яхши- лаш учун курашिलाди. Бу йил- ги мавсумда ҳар бир машина билан камда 120—150 тонна пахта теришга эришилди.

Бригадада тахрибали ме- ханизаторлар — боп, Каспер Штольц, Валерий Хан, Вален- тин Ли каби меҳаник-ҳайдов-

чилар барчаннинг ҳурматини қозонган. Улар ҳар бир ишда пешқадамлик қилишади. Бу йилги мавсумда азамат ме- ханик-ҳайдовчилар 150—160 тон- надан пахта териш мажбурий- тини олишган. Йиғим-терим- нинг шу қизғин кунларида «пў- лат этак»лардан кунига беш— олти тоннадан пахта тўқилмоқ- да. Меҳанизаторлар суръат отига қамчи босмоқдалар. Шу- нинг учун ҳам ҳар кун йил- ги планининг 5—6 проценти миқдориди «оқ олтин» топи- рилмоқда.

Суратларда: (ўғда) илгор меҳанизатор Валентин Ли. (чапда) бригада пахта даласида «зангори кема»лар жавлон ур- моқда.

А.Абелян фотолари.

КАТТА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Дзержинский номли колхоз Бекобод районидagi йирик хў- жаликлардан бири. Колхоз пах- такорлари бу йил 1700 гектар пахта майдонининг ҳар гекта- ридан 30 центнердан ҳосил етиштириб, эл хирмонига 5000 тоннадан ортиқ дурдона тўқиш- га аҳд қилганлар.

Колхоз деҳқонлари бу йилги мавсумда машина теримига алоҳида эътибор беришмоқда. Меҳанизаторлар пўлат этаклар- дан 3000 тоннага яқин дурдона тўқиш нияти билан ишламоқда. Х. Пардаев, И. Далабоев, К. Хайдаров, С. Окунов, П. Нар- зуллаев етакчилиқ қилаётган бригадаларда йиғим-терим иш- лари қизиб юборилди.

Бу бригадаларда ҳосилининг асосий қисми машиналар ёрда- мида териб олинади. Моҳир меҳанизаторлардан К. Пардаев, И. Хайдаров, Т. Ҳидиров, А. Султоновлар мавсумда 120—150 тоннадан пахта теримиз, дейишмоқда.

Колхозда қўпмингкилограмм- ни теримчилар соин кун сайин ортиб бормоқда. Т. Умарку- лова, Т. Саидкулова, М. Давро- нова, О. Бенирова, Г. Курбо- новалар ҳар кун 150—200 ки- лограммдан пахта термоқдалар.

„ОҚ ОЛТИН“ ДЕНГИЗИДА

Қишлоқ хўжалик ишларида пахта йиғим-терим давридаги дала йиғини қизғин дам бўлма- са керак. Ҳозир шундай дамлар бошланди. «Пўлат от» ча- вавозлари етасига кенг пахтазорларда жавлон урмоқда- лар.

Мана Пискент районидagi «Гулистон» колхози далалари. Эгамберди Худойбердиев бош- лқ бригаданинг Таббай Кен- жаев звеносида дам олиш пай- ти. Иккита машина карта чети- да турибди. Учунчи машинани бошқариб бораётган меҳаник ҳайдовчи бунжер тўла пахтани теджжага ағдариб бир четга бориб тўхтади. Меҳаник-ҳай- довчилар тележка тағига ёйиб қўйилган қанор қоп устига ўти- риб тамадди қила бошладилар. Улар ярим кунлик ишларини хомчўт қилиб чиқишди. Соат бешгача 7,1 тонна пахта тери- шбди. Звено аъзолари план бўйича 108 тонна пахта топ- ширишлари керак. Машина те- римини бошланганига уч кун бўл- га. Шу давр ичиди хирмонга 50 тонна пахта тўқилган.

— Бу звено, — деди кол- хознинг бош агрономи Нойиб

Эргашев, — йиллик плани ик- ки-уч кунда бажаришиб, маж- бурийн бажаришга киришма- лар.

— Мажбурийн қанча?

— План 24, мажбурийтимиз 35 центнердан. Шундан 105 тўртасини машина билан тери- миз, — деди звено бошлиғи Таббай Кенжаев.

Яна дала айланиб кетаяп- миз. Қўшқатор қилиб чигит экидан кенг пайкалда пахта чамадан ойчла бошлаган. Бу Фикри Бадалов бошлқ юқори ҳосилли бригада ерлари, 45 центнердан ҳосил бераман деб мажбурийн олган.

Кенг карта ўртасидан икки машина аста сузиб келяпти. Картанинг беш томонида пахта чамадан ойчла бошлаган. Бу Фикри Бадалов бошлқ юқори ҳосилли бригада ерлари, 45 центнердан ҳосил бераман деб мажбурийн олган.

Кенг карта ўртасидан икки машина аста сузиб келяпти. Картанинг беш томонида пахта чамадан ойчла бошлаган. Бу Фикри Бадалов бошлқ юқори ҳосилли бригада ерлари, 45 центнердан ҳосил бераман деб мажбурийн олган.

миз юбилей шарафига 45 цент- нердан ҳосил оламиз», деб ватда босган. Мана шу эг- гу ниятда меҳнат қилиб йўл ҳос- ил етиштирилган. Энди улар енг шимариб машина теримини бошлаб юбордилар.

Машина биринчи теримда неча центнердан пахта тариш- ти? — суратдик Исмаи Тариш- евдан.

— Ҳозир бир юришда ўтган йили мавсумда олган ҳосили- нинг даражасида ҳосил олинмиз. Агроном Нобел Эргашев зве- но бошлқининг сўзига изох берди.

— Бир юришда гектаридан машина билан 35 центнердан ҳосил йиғиб олишяпти. Звено аъзоларининг план бўйича 28,3 центнердан ҳосил олишлари ке- рак. Ҳозир планда белгиланган- дан 6,7 центнер кўп пахта терилмоқда.

Бригаданинг Нуриддин Ҳай- даров бошлқ звено аъзолари ҳам худди шундай натижаларга эришмоқдалар. Бу азамат пах- такорларга минг-минг офария деса арийди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

А. Н. КОСИГИН НУТҚЛАРИ ВА МАҚОЛАЛАРИНИНГ ТЎПЛАМИ

Сийсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Сийсий бю- роининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин- нинг таъланган нутқлари ва мақо- лалари тўпламини босмадан чи- қарди. Китобга унинг КПСС XVIII—XXII съездларида сўзла- ган нутқлари, партия XXIII— XXIV съездларида қилган докла- длари, КПСС Марказий Комитети- нинг пленумларида СССР ва РСФСР Олий Советининг сессия- ларида сўзлаган нутқлари ва қил- ган докладалари киритилган. А. Н. Косигиннинг матбуотда эълон қилинган мақолалари, хўжалик масалаларида бағишлаб ўтказил- ган кенгашларда, меҳнаткашлар- нинг йиғилишларида сўзлаган нутқлари, унинг чет мамлакатлар- га қилган ёзиллари билан Совет Иттифоқида келган чет эл арбоб- лари билан учрашувлари ҳамда олиб борган музокаралари билан боғлиқ баъзи нутқлари ҳам бор.

Китобда халқ хўжалигини ри- вожлантириш, иқтисомий муноса- батларни тақомиллаштириш, мам- лақатимиз халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш, Совет Иттифоқи- нинг обрў-этиборини ва халқро аҳволни янада мустаҳкамлашга оид муҳим масалалар ўз ифода- сини тошган. (ТАСС).

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

Субҳи содиқ борлиқ узра се- пини ёймасдан қишлоқ уйғонди. Дала гвардиячилари ўз пўлат отларига утириб, жиловини пахтазор томон буршиди. Ҳо- зиргина сукунат бағрида уйку- ни тарк этишга эринаётган да- лаларга жон кирди. Майдон- лар яқинидагина сифатли дефо- лиация қилинмаганини, қўсақ- лар халдон, гўё юлдузлар худди шу ерларга сочиб юборилган-у кўз- ни ҳам қувонтиради, ҳам қам- шитиради.

Айниқса бободоҳон севиңчи- нинг чеки йўқ. Йил бўйи тер- тўқиб, меҳр қўйиб ардоқланган гўзалар «мана ҳимматингиз» дегандек хотамтойлик билан хазинасини унга очиб қўйган.

Калинин номли колхоз аъзола- ри ҳам шунга яраша меҳнат қилишган.

Дарвоқе, бу йилги сув тан- қислиги, об-ҳавонинг ноқулай келиши деҳқонини озмулча таш- вишга қўймади. Лекин қийин- чиликлар ортда қолди. 900 гектар майдонда хатто планин эмас, балки олдинга сопиалис- тик мажбурийнни ҳам қонлай- диган ҳосил етиштирилди. Пах- такор бундан хурсанд. Фурсат- ни бой бермай дефолангига куч берди, мавжуд техникани, терим агрегатларини мавсумга барвақт сошлаб қўйди.

Колхозда биринчи бўлиб Д. Икромов бошлқ бригада чава- нозлари пўлат отларини пахта- зорга олиб чиқишди. 20 га яқин

агрегат «оқ олтин» денгизиди оҳиста, лекин дадил сузиб кетди. Дала гвардиячилари юби- лей йилида зиммаларига қан- дай оширилган мажбурийнлар қабул қилишганини ёддан чи- қаришмайди. Ҳар бир машина билан камда 110—120 тонна «оқ олтин» териб олиниши, би- нобари ҳосилининг 80 процен- ти пўлат этаклардан тўқилиши лозим.

Саноқли дақиқалар ичиди бунжерлар лимзо-лим тўқди. Орқасида принципларини эрга- штириб эгати бошган универсал- лар етиб келди... Дастлабки троналар даладан тўғри қабул пунктни томон йўл олди.

Я. СОЛИХОВ,
Пискент райони.

